

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил сентябрь ойининг 22 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: В.Сиддиқов,

ҳайъат судьялари: Б.Хайдаров ва О.Мирсадиковдан иборат таркибда, С.Жўрақўзиевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Рўзиев, ҳимоячи И.Низомов, судланган А.Махмудов ва Н.Каримовнинг иштирокида, А.Махмудов ва Н.Каримовга оид жиноят ишини Фарғона транспорт прокурорининг апелляция тартибидаги хусусий протести асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2023 йил 26 июлдаги ажримга кўра:

1994 йил 28 март куни Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, бир нафар фарзанди бор, судланмаган, “Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК техник назоратчиси лавозимида ишлайди, Фарғона шаҳри, Адолат кўчаси, 59-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган Махмудов Акбарали Бахромжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в, г” бандлари билан ЖК 66-моддасининг 1-қисми тартибида жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан тугатилган;

1984 йил 5 август куни Фарғона туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, “Фарғона йўл қурилиш” УФК МЧЖ раҳбари лавозимида ишлайди, Фарғона шаҳри, “Илғор” МФЙ, Фаровон турмуш кўчаси, 240-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган Каримов Нодиржон Нумонович



Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в, г” бандлари билан ЖК 66-моддасининг 1-қисми тартибида жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан тугатилган.

Суднинг ажримига кўра, А.Махмудов ва Н.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-172-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Қува туман Кенгашининг 2022 йил 30 апрелдаги VI-38-80-11-156-К/22-сонли қарорига асосан, Қува туман, “Кандабулоқ” МФЙ ҳудудидаги Наврўз, Ахшак ва Булоқбоши кўчаларида жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун Республика бюджети ҳисобидан маблағлар ажратилиб, “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачи этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 46-сон қарори асосида ўтказилган тендер танлови натижаси бўйича "FARG'ONA YO'L QURILISH UFK" МЧЖ ғолиб деб топилиб, “Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК билан "FARG'ONA YO'L QURILISH UFK" МЧЖ ўртасида 2022 йил 26 августда Булоқбоши кўчасида 814.891.664 сўмлик жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан 172/3-63 сонли пудрат шартномаси имзоланган.

Қува туман ҳокимлиги, Қува туман ободонлаштириш бошқармаси, “Кандабулоқ” МФЙ, Қува туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси мутасадди ходимлари томонидан захира маблағлари ҳисобидан Булоқбоши кўчасида бажарилиши режалаштирилган 1 км. цементабетон йўл қисмини, ушбу кўчада бажариш имкони бўлмаганлиги сабабли Қува тумани Маърифат кўчасига ўтказилиши юзасидан 16.12.2022 йил куни далолатнома расмийлаштирилиб, “Фарғона йўл қурилиш УФК” МЧЖ томонидан Қува тумани Булоқбоши кўчасида бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишлари шу тумандаги Маърифат кўчасида бажарилган.

Юқоридаги шартномага асосан, бош пудратчи- “Фарғона йўл қурилиш УФК” МЧЖ томонидан Қува тумани Булоқбоши (Маърифат) кўчасида 784.657.651 сўмлик қурилиш ишлари бажарилганлиги юзасидан 2022 йил декабрь ойида ҳисоб-варақ фактура (Ф-3) расмийлаштирилиб, белгиланган тартибда буюртмачи - “Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКга молиялаштириш учун тақдим этилган ҳамда буюртмачи-“Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК томонидан қабул қилиб олинган.

Мутахассислар томонидан “Фарғона йўл қурилиш УФК” МЧЖ томонидан “Кандабулоқ” МФЙ ҳудудидаги Булоқбоши (Маърифат) кўчасида бажарилган ишлар назорат тартибида ўлчовидан ўтказилиб, қайта ҳисоб-китоб қилинганида, 1000 м² (14.349.851 сўмлик) йўл ёқасини кум-шағал аралашмаси билан мустахкамлаш ишлари, 861пм



(8.087.083 сўмлик) бетон қоплама чокини кесиш ишлари, қум-шағал аралашмасидан қоплама қуриш ишларида (20.648.795 сўмлик) автогрейдер билан текислаш ва каток билан қотириш ишлари, яъни 43.085.729 сўмлик ишлар ҳақиқатда бажарилмаган бўлсада, “Фарғона йўл қурилиш УФК” МЧЖ раҳбари Н.Каримов томонидан бажарилган ишлар юзасидан тузилган Ф2 ва Ф3 далолатномаларида бажарилган қилиб кўрсатилиб, тўловга тақдим этилганлиги ҳамда буюртмачи - “Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК техник назоратчиси А.Махмудов томонидан қабул қилиб олиниб, тўлов амалга оширилиши натижасида “Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК манфаатларига 43.085.729 сўм миқдоридан моддий зарар етказилган.

Хусусий протестда, суд томонидан А.Махмудов ва Н.Каримов Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в, г” бандлари билан асоссиз равишда ЖК 66-моддасининг 1-қисми тартибида жиноий жавобгарликдан озод қилингани ҳақида важлар келтирилиб, суд ажримини бекор қилиш сўралган.

А.Махмудов ва Н.Каримовлар ўз эътирозномаларида, суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни сўраганлар.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси О.Мирсадиқовнинг маърузасини, прокурор Ғ.Рўзиевнинг суд ҳукмининг бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш, судланган А.Махмудов ва Н.Каримов ҳамда уларнинг ҳимоячиси И.Низомовнинг суд ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ажримини бекор қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66-моддасининг 1-қисмида жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш мумкин эмаслиги, аксинча ЖКнинг 66-моддасида айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши;

ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Жиноят ишини кўриб чиқиш давомида юқоридаги асослар мавжуд бўлгандагина жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилади.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан А.Махмудов ва Н.Каримовларга оид жиноят ишини кўриб чиқиш давомида ишни уларни жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатиш учун етарли асослар мавжуд бўлмаса-да, ишни ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан тугатиб, барвақт хулосага келган.



Хусусун, ЖПКнинг 113-моддаси талабларига кўра, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз — ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабаридир.

Бироқ, А.Махмудов ва Н.Каримов томонидан уларга ишга гумон қилинувчи тариқасида жалб қилинмасдан ёки уларга нисбатан айб эълон қилинмасдан айбини бўйнига олиш тўғрисидаги ариза келиб тушмаган.

Шу билан бирга, жиноят ишида уларнинг жиноятни фош қилинишида фаол ёрдам берганликларини кўрсатувчи ҳолатлар мавжуд эмас.

Аксинча, “Фарғона йўл қурилиш УФК” МЧЖ томонидан “Қандбулоқ” МФЙ ҳудудидаги Булоқбоши (Маърифат) кўчасида бажарилган ишлар назорат тартибида ўлчовидан ўтказилиб, қайта ҳисоб-китоб қилинганда, 1000 м² (14.349.851 сўмлик) йўл ёқасини қум-шағал аралашмаси билан мустаҳкамлаш ишлари, 861пм (8.087.083 сўмлик) бетон қоплама чокини кесиш ишлари, қум-шағал аралашмасидан қоплама қуриш ишларида (20.648.795 сўмлик) автогрейдер билан текислаш ва каток билан қотириш ишлари, яъни 43.085.729 сўмлик ишлар ҳақиқатда бажарилмаган бўлса-да, “Фарғона йўл қурилиш УФК” МЧЖ раҳбари Н.Каримов томонидан бажарилган ишлар юзасидан тузилган Ф2 ва Ф3 далолатномаларида бажарилган қилиб кўрсатилиб, тўловга тақдим этилганлиги ҳамда буюртмачи - “Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК техник назоратчиси А.Махмудов томонидан қабул қилиб олиниб, тўлов амалга оширилиши натижасида “Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК манфаатларига 43.085.729 сўм миқдоридан моддий зарар етказилганлиги ҳолати фақатгина мутахассислар томонидан ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланган.

Шу билан бирга, “Фарғона йўл қурилиш УФК” МЧЖ раҳбари Н.Каримов ўтказилган текширишлар давомида мутахассислар томонидан тузилган далолатномани имзолашдан ва ҳолат юзасидан тушунтиришлар беришдан бош тортган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди томонидан А.Махмудов ва Н.Каримовга нисбатан юритилган жиноят ишини муҳокама қилиш чоғида иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб жиноят ишига қўшилган 2023 йил 28 январдаги назорат ўлчов маълумотномаси, “Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК бухгалтерия бўлимидан олиб қўйилган, 2022 йил 27 декабрда расмийлаштирилган “Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб фактура” нинг асл нусхаси ва Ф-2 шаклидаги далолатноманинг асл нусхалари тақдири ҳал этилмаган.

Бундай ҳолатда, биринчи инстанция судининг А.Махмудов ва Н.Каримовга нисбатан юритилган жиноят ишини айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатиш ҳақидаги ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

ЖПКнинг 497³⁴-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди ишни берилган апелляция тартибидаги хусусий протести асосида кўриб



чиқишда, биринчи инстанцияси судининг ажримини бекор қилишга ва ишни янгидан судда кўриб чиқиш учун юборишга ҳақлидир.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси А.Махмудов ва Н.Каримовга нисбатан чиқарилган биринчи инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан судда кўриб чиқиш учун юборишни лозим топди.

Иш янгидан судда кўрилишида, иш бўйича аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар, жумладан А.Махмудов ва Н.Каримовни жавобгарликдан озод қилиш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги масаласи синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, иш юзасидан олинган ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиш, иш бўйича юзага келган барча қарама-қаршиликлар бартараф этилиб, натижасига кўра қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиниши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497³⁴-моддасига асосланиб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Махмудов Акбарали Бахромжон ўғли ва Каримов Нодиржон Нумоновичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2023 йил 26 июлдаги ажрими бекор қилинсин ва иш янгидан судда кўриш учун шу суднинг бошқа таркибига юборилсин.

Хусусий протест қаноатлантирилсин.

Расилик қилувчи
Ҳайъат судьялари

имзо
имзо
имзо

В.Сиддиков
Б.Хайдаров
О.Мирсадиков

нусхаси аслига тўғри
судья

О.Мирсадиков

